

## **“ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА АХЛОҚИЙ-РУХИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЎЗИГА ҲОС ЖИҲАТЛАРИ.”**

**Аминжонов Қурбон Ҳабибуллаевич**

*Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази тарбиявий ва мағкуравий ишлар цикли катта ўқитувчиси, истеъфодаги полковник*

**Уралов Ҳусан Бобоқулович**

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази Муҳандис-санёр қўшинлари, кимёвий химоя ва топогеодезик таъминоти цикли катта ўқитувчиси, доцент, резервдаги подполковник*

**ARTICLE INFO.**

**Калит сўзлар:** Ахлоқий-рухий сифатлар, ватанпарварлик гояси, таълим-тарбия, миллий рух, миллий ифтихор, миллий ғурур, жанговар рух, модал таъсир, хавф-хатар, таҳлика.

**Анотация**

Мазкур мақолада жанговар тайёргарлик жараёнида Ахлоқий-рухий тайёргарликни ўзига ҳос жиҳатлари хақида сўз боради.

Хозирда минтақалардаги қарама-қаршилик, зиддият ва низолар, халқаро терроризм хавф-хатарлари тобора кучайиб бораётган бугунги кунда, кўплаб ривожланган давлатлар армияларида ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-рухий ҳолати, жанговар шайлиги ва тайёргарликни таъминлаш мақсадида ҳарбий хизматчиларни замонавий қурол-аслача ва ҳарбий техникалар ҳамда ҳарбий-профессионал билим ва қўнималар билан қуроллантиришга асосий эътибор берилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни ўқув ва жанговар фаолиятда юзага келадиган экстремал вазиятларда уларнинг руҳий барқарорлигини таъминлаш ҳамда ишониб топширилган қурол-аслача ва ҳарбий техникалардан самарали фойдаланиш учун ахлоқий-рухий тайёргарлик ўта муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг замонавий ривожланиш босқичи ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-рухий сифатларига юқори талабларни қўймокда. Шу туфайли, шахсий таркиби содиқлик, жанговар фаоллик, интизомлилик, мардлик, фидойилик, жасурлик, бардошлилик каби иродани шакллантириш ва миллий руҳини кўтаришга бўлган зарурат ҳар доимгиданда кўпроқ юзага келмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда ўта аниқликка эга ва инсон руҳиятига таъсир кўрсатувчи турли хил қуролларнинг яратилиши, урушларнинг асимметрик, сетецентрлик ва гибрид қўринишларида олиб борилиши, шунингдек глобаллашув давом этаётган ва халқаро муносабатларнинг бутун тизими ўзгариб бораётган шароитларда халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами кенгайиб бораётганлиги каби омиллар, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятини оширишга қаратилган ишларни такомиллаштириб боришга бўлган объектив эҳтиёжни келтириб чиқариши билан боғлиқ равишда ахлоқий-рухий

Kielce: Laboratorium Wiedzy Artur Borcuch

тайёргарликни самарали замонавий усул ва воситаларини қўлланилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Кўмандони Шавкат Мирзиёев ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш лозимлиги тўғрисида доимо таъкидлаб келмоқда. Хусусан, 2018 йил декабрь ойидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Қуролли Кучларимизда жанговар рухни юксалтириш, аскар ва офицерларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга эътиборни янада кучайтиришимиз кераклиги” баён этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги сифатларни ҳарбий хизматчиларда шакллантириш бўйича қўшинлардаги ахлоқий-руҳий тайёргарлик тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, ушбу тушунчани мазмун-моҳиятини очиб бериш, буюк саркардаларнинг уни ташкил этишга бўлган ёндашувини синчиклаб таҳлил қилиш, замонавий жанговар ҳаракатларда шахсий таркибни ахлоқий-руҳий ҳолатига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, соҳада етакчи хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш каби изланишларни олиб бориш зарур. Уларни тадқиқ қилмасдан туриб, тизимни самарали такомиллаштириб бўлмайди.

Тарихдан маълумки, жангжиларнинг ахлоқий-руҳий сифатларига ҳаттоқи антик давр файласуфлари ҳам қизиқишишган ва унга ўз муносабатларини билдиришган. Жумладан, Демокрит, Арестотел, Платон, Плутарх, Эврипид, Фукидид ва бошқалар. Айнан ахлоқий-руҳий омилдан оқилона фойдаланиш, жангни муваффақиятли ўтишини ва ғалабага эришишни белгилаб беради ва кам сонли армия ўзидан афзалликка эга бўлган қўшин устидан ғалаба қозонади-деб ҳисоблашган.

Масалан, Платон яхши аскар ҳаракатчан, жангвар қуролини аъло даражада ишлата олиши, жангда ғолиб бўлиши учун кураша олиши, кенг дунёқараашга эга бўлиши лозимлигини таъкидлаган. Файласуф ва лашкарбоши Ксенофонтнинг фикрига кўра, идеал жангчи идеал таълим-тарбия тизимида шаклланади.

Шунингдек, ахлоқий-руҳий тайёргарликнинг ажralmas таркибий қисми бўлган ахлоқ тушунчасини кўплаб атоқли аллома ва арбоблар И мом Бухорий, Абу Исо Мұхаммад ибн Исо Термизий, И мом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Абулхолик Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мұхаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улугбек, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Алишер Навоий каби буюк аждодларимиз ўрганишган ва ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Уларнинг нуқтаи назарларига кўра, кишининг ахлоқи маърифати ва билимдонлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон қанчалик маърифатли бўлса, унинг хулқи шунчалик яхши ва мукаммал ҳисобланган.

Хусусан, буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Али ибн Сино одамда ахлоқий хислатларни меҳнат, жисмоний ва ақлий тарбия билан узвий ҳолда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб ҳисобланган.

Шунингдек, ахлоқий-руҳий тайёргарлик муаммоларини ҳал қилишда рус саркардаси А.Суворовнинг ишлари аҳамиятга молик. У ҳарбия тарбия тизимида асосий омил жангчи-одам тушунчасини жуда тўғри қўллаган. Хусусан, у шундай дейди, “Аскар – милтиқ техникасидай оддий механизм эмас, одамdir. Билимсиз аскар билан ҳеч қандай ютуқка эришиб бўлмайди”. Ташуббускорлик, фаҳмлилик, топқирлик, жангда оқилона ҳаракт қилиш, ҳар бир аскар ўз манёврини билиши, дўстлик, ўзаро ёрдам, ўзинг ўлсанг ҳам дўстингга ёрдам қил, аскар тўғрисида қайғуриш, унинг иносний қадрқимматини ҳурмат қилиш – А.Суворовнинг аскарни ахлоқий ва руҳий жиҳатдан тарбиялаш бўйича ёндашувини ташкил киласан.

Ушбу йўналишда япон самурайларининг юксак ахлоқий-руҳий сифатлари эслаб ўтилмаса тўғри

бўлмайди, аслида, япон жангчиларининг жанговар руҳига Бусидо (Жангчи йўли) кодекси катта таъсир кўрсатади. Унда буддизм, синоизм, Конфуций ва Мен-цзы тамойиллари бирлаштирилган. Айнан шу сабабли, Бусидо постулатларининг аксарият қисми жангда фидокорликка асослангандир. Мисол учун: “Урушда самурайнинг садоқати, агар вазифа талаб қилинган бўлса, душман ўқлари ва найзаларига боришдан кўрқмасдан, ўз ҳаётини қурбон қилишдир”.

Аммо, Амир Темурга ҳарбий стратегияда ахлоқий-руҳий омилдан моҳирлик билан фойдаланиш бўйича етадигани бўлмаган. Соҳибқирон “Куч билан бирни, ақл ва қатъият билан мингни енгиш мумкин”, деб айтган.

Тарихий маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Темур ўзининг армиясидаги қатъий интизомни ушлаб туриш натижасида юксак ғалабаларга эришган. У жангчиларининг жанговар руҳига катта эътибор берган, қўшинлари тайёргарлиги тизимида турли хил оғир психологик ва узоқ сафар усууларини кўллаган. Шунингдек, ўз қўшинларида ахлоқий-руҳий тайёргарликни ташкиллаштиришда кураш тушиш, ов қилиш, от чоптириш, камондан отиш каби мусобақалар ва ўйинларни ҳарбий-музикий дасталарнинг сурнай, карнай, ноғора, довул каби музикй асбоблардан эртадан кечгача жангга чорлаган гумбур-гумбур овозлари ва жангчиларнинг чақириқлари остида ўтказиш усулидан фойдаланган<sup>3</sup>.

Ахлоқий-руҳий тарбия билан ахлоқий-руҳий тайёргарликни фарқига бориш учун тарбия ва тайёргарлик тушунчаларининг фарқини билиш лозим.

**Тарбия** (арабчадан – ривожлантириш; парвариш қилиш, ўстириш; ўргатиш; илм бериш)

1. Таълим, ахлоқ-одоб ва ш.к.ни ўргатиб, сингдириб, инсонни вояга етказиш, улғайтириш, ўстириш.
2. Инсонда иш-хунар, одобахлоқ ва ш.к.ни шакллантириш, ривожлантиришга, унинг жамиятда яшаши учун керак бўлган хислатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган ишамаллар мажмуй<sup>16</sup>.

**Тайёргарлик 1.** Тайёр ҳолга келиш, келтириш ишлари; тайёрлаш, тайёрланиш ҳаракати; ҳозирлик.

**Миллий рух** - миллатнинг ички руҳий ҳолати, кечинмалари, ҳис туйғулари, маънавий дунёси, ўй фикрлари, мақсад ва маслаги ҳамда кайфиятини ифодаловчи тушунчадир.

**Миллий ифтихор** - Миллатга хос моддий ёки маънавий ютуқ, муваффақият билан фахрланиш туйғусини ифодалайдиган тушинча. У инсон маънавий камолотининг қирраларидан бирини намоён этади.

**Миллий ғурур** - шахс, ижтимоий гуруҳнинг муайян миллатга мансублигидан фахрланиш ҳисси. Бу туйғу ўзини-ўзи англашнинг шаклларидан бири бўлиб, аждодлар колдирган моддий, маънавий мерос, ўз ҳалқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳисси, қадр-қиммати, обрў эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодалайди. У шахс ва ижтимоий гурух ҳулқ атворини муайян тарзда йўналтиради, тартибга солади.

**Жанговар рух** – ҳарбий хизматчилар ва бўлинмаларнинг оғир ва мурракаб вазиятда жисмоний ва руҳий зўриқишларни енгид ўтиб, жанговар вазифани бажаришга шайлигини ҳамда ғалабага бўлган ишончини англатадиган тушунча. Руҳий тайёргарлик ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳини мустахкамлашда мухим ўрин тутади. Анъанавий тарзда руҳий тайёргарликни жанговар тайёргарлик тизимидан, қўшинлар ўқувлари ва амалий парвозлардан ажратиб бўлмайди ва қўшинларнинг барча турдаги жанговар тайёргарлик жараёнлари ҳамда ўқув-жанговар фаолияти давомида амалга оширилади.

**Руҳий тайёргарликнинг** асосий мақсади ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий жамоаларнинг юқори асабий-руҳий, жисмоний ва руҳий зўриқишларга бардошлилик ҳамда оғир ҳамда экстремал

вазиятларда ҳаракатланиш қобилиятларини шакллантиришdir.

**Жанговар тайёргарлик жараёнида** жангдаги рухий омилларни тиклаш учун қўмондонлик таркиби рухий тайёргарликнинг турли усулларидан фойдаланиши лозим. Рухий тайёргарлик усули деганда жангнинг рухий омилларини моделлаштириш усуллари тушунилади.

### **Тизимлаштириш мақсадида улар қўйидаги белгилар бўйича тасифланади:**

жангни моделлаштириш воситалари орқали;

модал таъсир этиш бўйича (кўриш, эштиш, сезиш ва бошқа идроклар);

ҳарбий хизматчиларга таъсир этиш механизми бўйича.

### **Жангни моделлаштириш воситалари бўйича рухий тайёргарлик қўйидаги усулларга ажратилади:**

оғзаки-белгили, кўргазмали, компьютерли, тренажёрли, имитацияли, жанговар.

**Оғзаки-белгили моделлаштириш давомида** ҳарбий хизматчиларга иккинчи сигналлар тизими бўлмиш сўзлар, белгилар (ишора), ахборот маълумот тариқасидаги имо-ишоралар орқали таъсир этилиши амалга оширилади. Бу бўлиб ўтадиган жанг, кутиладиган қийинчиликлар, қўлланиладиган қурол-аслаха, унинг имкониятлари, эҳтимолий жароҳатланиш ва яраланиш турлари тўғрисида сўзлаб бериш. Имкон қадар мазкур моделлаштириш тури жанговар фаолият малакасига эга бўлган, нутқ сўзлаш маҳорати яхши ривожланган, жанг кўриниши (таърифи, тавсифи)ни ёрқин, таъсирчан ва жўшқин ифодалай оладиган ҳарбий хизматчи томонидан амалга оширилиши лозим.

**Кўргазмали моделлаштириш давомида** таъсир этиш турли предметларни кўрсатиш орқали амалга оширилади. Масалан, ўқотар ёки бошқа турдаги қурол-аслаҳаларнинг таъсиридан сўнг ўлдирилган ҳарбий хизматчининг манекени ёки автоматдан қаторасига ўқ узилган одам мурдаси манекени қаттиқ таъсир этади. Ҳарбий хизматчилар узилган оёқ ва қўл, қон, эзилган, чириб қолган тана аъзоларини кўриши ва кўнікма ҳосил қилишлари зарур.

**Компьютерли моделлаштириш давомида** компьютерда ишлаш, ўйнаш ва бошқа вазифаларни ҳал этиш давомида жанг омилларини моделлаштириш орқали ҳарбий хизматчиларга таъсир этилиши амалга оширилади. Ушбу рухий тайёргарликнинг тури самарасиздек туюлиши мумкин, бироқ ҳарбий хизматчиларда жанговар ҳаракатлар давомида тўсатдан юзага келадиган ўзгаришларга тайёргарликни ривожлантиради, чунки компьютер технологиялари ҳар доим жангнинг янги шароитларини яратиш имконини беради: вакти (кун, тун), об-хаво шароитлари (кучли шамол, ёмғир, қор, туман ва ҳ.к.), иқлим шароитлар (тоғли худуд, чўл, ҳаво намлиги, атмосфера босимининг юқори ёки пастлиги ва ҳ.к.) қўлланиладиган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, тирик кучлар ва техникаларнинг ўзаро нисбатлиги, жанг тури ва ҳ.к.

**Тренажёрли моделлаштиришда** ҳар хил маҳорат ва қобилиятларнинг ривожланишига ёрдам берувчи, техник воситаларни қўллаган ҳолда жанг омилларини моделлаштириш орқали таъсир этилиши амалга оширилади. Тренажёрлар ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий техникини қўллаш (фойдаланиш) бўйича аксарият ҳаракатларини автоматлаштириш имконини беради. Жанговар вазиятда ҳаракатларнинг автоматлаштирилганлиги ҳарбий хизматчига янада манёврли, моҳир бўлишга ва жанг шароитига киришиб кетишга ҳамда тирик қолишга имкон беради.

**Имитацияли моделлаштиришда** ҳарбий хизматчиларга таъсир этилиши жанговар вазиятнинг ташқи аломатларини имитация қилиш воситаларини қўллаш орқали амалга оширилади. Ушбу моделлаштириш тури дала ўқув майдонларида ўқув машқларда ясама мурдалар, узилган қўл оёқлар, вайрон бўлган ва ёнган бинолар, қонни имитация қилувчи маҳсус кимёвий эритма ва ўзига хос ҳид тарқатувчилардан фойдаланиш орқали қўлланилади.

**Жанговар моделлаштиришда таъсир ўтказилиши жанг омилларини моделлаштириш, жанговар ҳаракатларни ташкиллаштириш ва олиб бориш учун кўлланиладиган жанговар техникалардан, қурол-аслахалардан ва қўл остидаги воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.**

#### **Модал таъсир этиш қўйидаги руҳий тайёргарлик усуllibарига бўлинади:**

**Харбий хизматчининг руҳиятига эшлиши орқали таъсир этиш:** Ваҳимали бақиришлар. Машқларнинг мураккаб босқичи вақтида кўпроқ кўлланилади: олдиндан тайёrlанган ҳарбий хизматчилар тўсатдан бошқалар учун нолиётган ва бақираётган ярадорларни имитация қилишади. Тангликни провокацияли ҳайқириш орқали ошириш мумкин “Тошматовни танк босиб кетди!” ва ҳ.к.;

бонглар, қўнғироқлар, сиреналар ва ҳ.к. Ушбу таъсир этишни катта бўлмаган жойда – хона (иморат)ларда, пана жойларда кўллаш яхшироқ таъсир кўрсатади;

овоз ёзиб оловчи ва радиоэшилтириш воситалари. Ушбу ҳолатда жанг ва турли ўзига хос товуш (овоз, садо)лар (шовқин-сурон, гумбурлаш ва ҳ.к.) чиқарилади;

имитацион портловчи моддалар. Бу ерда портлаш кучи билан эмас, балки унинг таъсир этиш давомийлиги билан самарага эришилади.

**Харбий хизматчиларнинг руҳиятига қўриш орқали таъсир этиш:** ёруғлик эффекти (таъсири) (портлашлар, чироқлар, пројекторлар чақнаши). Қўйилган вазифани бажариш давомида кўзни қамаштириб, қўриш қобилиятини чеклаш, ёруғлик таъсири ёрдамида дикқатни чалғитиши руҳият танглиги (зўриқиши)нинг ошишига олиб келади;

вайроналар, харобалар ва ҳ.к. Булар орқали жирканиш, қўркув, тушкунлик хиссиятларини кўзғатиши билан қўйилган вазифани бажаришни талаб этиш орқали ҳарбий хизматчиларни салбий ҳис туйғуларни енгиб ўтишга ўргатиш мумкин.

#### **Харбий хизматчиларнинг руҳиятига ҳид сезгилари орқали таъсир этиш:**

Ўқув рецептурали заҳарловчи моддалар билан заҳарланган худудларни яратиш (масалан, аммиакли сув билан), бошқа худудларни эса ундан устунлик қиласидиган кучли қўнгилни айнитадиган, куйинди ва бошқа ҳидлар таратадиган худудларда ҳарбий хизматчилар ҳимоя воситаларида ва уларсиз жангвар тайёргарлик саволларини машқ қилдириш орқали уларнинг фаолият шароитларини жангвар вазиятда юзага келадиган реал (аниқ) ҳолатларга яқинлаштириш мумкин.

#### **Харбий хизматчиларнинг руҳиятига сезгилар (рецепторлар) орқали таъсир этиш:**

Ҳарбий хизматчи эшлиши ва қўришидан ташқари унда янги руҳий образлар (қиёфа)ни шакллантириш учун бошқа сезгиларнингҳам аҳамияти катта. Ҳарбий хизматчи қўлида ўқдорилар, мина парчаси, снарядни ушлаб қўришга имкони бўлса, зарба тўлқинини сезса (хис қилса), ёнғин ва заҳарланиш ўчоғларида ҳаракатланса, унда жанг қўринишининг реал ва тўлиқ тасаввури ҳамда жангвар вазият омилларини енгиб ўтиш маҳорати янада ривожланади.

**Ҳарбий хизматчиларнинг руҳиятига вестибуляр аппарати (бош ва гавда мувозанатини идора қиласидиган орган) орқали таъсир этиш:** Жангвар вазиятлар учун хос бўлган кўп ва тез кўчиб юришлар, тангликнинг юқори даражаси, тунги шароитларда ҳаракатланиш, ҳарбий техникадаги катта бўлмаган ёпик жой (бўшлиқ), ориентация қилишнинг оғирлиги, вестибуляр аппаратга бўлган талабларни оширади. Ҳар хил жисмоний машқлар (айланишлар, ўмбалоқ ошиш, брусларда ва турнидаги машқ қилиш, юқорида жойлашган чегараланган майдонда ҳаракатланиш, қоронғида (тунда) ҳаракатланиш) вестибуляр аппаратини мустаҳкамлайди ва ўз кучига ишончни шакллантиради.

#### **Ҳарбий хизматчиларга таъсир этиш механизmlари бўйича руҳий тайёргарликнинг**

**усуллари қуйидагиларга ажратилади:** ишонтириш, мажбур қилиш, таъсир күрсатиб ишонтириш, тақлид қилиш (ўхшатиш), қўничиш (ўрганиб қолиш), ўз-ўзини ишонтириш усуллари.

**Шахсий таркибни жанговар ҳаракатларга руҳий тайёргарлик қуйидаги усуллар билан амалга оширилади:**

шахсий таркибни жанговар техникаларни бошқариш ва улардан фойдаланиш қўниммалариниҳосил қилиш (автомобиллар, танклар, БТР ва ҳ.к.);

ҳарбий хизматчилар томонидан оловли, ишғол (хужумкор) ва бошқа турдаги тўсиқларни, шунингдек, маҳсус мухандислик жиҳатдан қийинлаштирилган тўсиқлар ва мажмуаларни енгиб ўтишлари;

енгил сувости ғоввослик тайёргарлиги ва танкларни сув остида бошқариш, зирхли техникаларни сув устида бошқариш, десантчиларнинг сакраш тайёргарлиги;

овозли ва ёруғлик қўзғатувчи (таъсир этувчи)ларни, шунингдек, турли тренажёрлар, спорт анжомлари, ўқув комплекслари, шаҳарчаларни ва ҳ.к. қўллаш.

Шу билан бирга руҳий тайёргарлик усуллари асосида реал жанговар вазиятга ҳос бўлган **кескинлик** ва **тўсатданлик**, **хавф-хатар** ва **таҳлика** элементларини жанговар тайёргарлик жараёнига киритиш ва шахсий таркибининг ушбу шароитда ўрганилаётган машқларни ва ҳаракатларни кўп маротаба машқ қилиш тамойиллари ётади.

Жанговар тайёргарлик жараёнида **кескинликка** турли қийинчилик туғдирувчи вазиятларни яратиш йўли билан жисмоний ва асабий-руҳий юкламаларни ошириш орқали эришилади. Жумладан:

жанг характеристига мос интенсив ёруғлик ва овозли қўзғатувчиларни қўллаш;

маълумотлар ва вақтнинг танқислиги;

кун ва тундаги ҳаракатларни узлуксизлиги;

тунги шароитларда машғулотлар, шу жумладан ўқ отиш машғулотларини ўтказиш;

душманнинг доимий таъсири;

жанговар ҳаракатлар ташқи манзарасининг кўргазмалилиги (талофотлар, вайронагарчиликлар, ёнғинлар, мурдалар ва бошқалар);

замонавий жанговар ҳаракатлар характеристига мос тўсиқлардан, ғовлардан, заарланган ҳудудлардан ҳамда ёнгин ўчоқларидан давомли тарзда ва тез-тез ўтиш ва бошқалар.

Машғулотлар ва машқларни ўтказиш давомида **тўсатданлик** шахсий таркибдан унча узоқ бўлмаган масофада имитация воситаларини қўллаш билан таъминланади.

Шунингдек:

ҳисоб рақамлари, экипаж аъзолари учун қурол-аслаҳа, ҳарбий техниканинг “носозлиги”, “ишдан чиқарилиши” ва ҳ.к.лар ҳолатларини яратиш;

ҳарбий хизматчилардан тезкорлик ва фаоллик ҳаракатларини талаб қиласиган вазиятни яратиш ҳамда мазкур вазиятларни ривожлантириб бориш учун турли киритмаларни қўллаш;

турли тўсиқларни яширин тарзда тайёrlаш ва шахсий таркибининг фаол ҳаракатланиши пайтида уларни қўллаш;

душманнинг фаол ва шиддатли ҳаракатланиши;

тўсатдан (кутилмаганда) жанговар тревогаларни ўтказиш; нотаниш ҳудудда машғулотлар ва

машқларни ўтказиш ва х.к.

Жанговар тайёргарлик жараёнiga **хавф-хатар** ва **таҳлика омилларининг** киритилиши қуидагилар орқали эришилади:

Жисмоний хавф-хатар шароитларида ҳар хил қийин тўсиқларни енгиб ўтиш билан;

Имитацион снарядлар ва миналар портлаши вақтида фаол ҳужум ҳаракатларини амалга ошириш;

Тўлиқ экипировка (кийим-бош, анжом, қурол-аслаха) билан сувга сакраш ҳамда сувли тўсиқларни сузуб ва қўл бола воситалар билан кечиб ўтиш;

Муҳандислик ишларини бажариш учун сув остига тушиш;

Штатдаги снаряд билан отиш ва тунги вактда отиш машқларини ўтказиш;

Ёндирувчи воситалардан фаол ҳимояланиш;

Худуднинг ўқув имитация воситалари билан заҳарланган худуд шароитида ишларни олиб бориш, позицияларни (жойни) жиҳозлаш ёки заҳарланган қурол-аслаха ва жанговар техникаларни дегазациялаш; босқичма-босқич жанговар машиналар ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши вақтида десант қилиб тушуриш ва пиёда ҳаракатлантириш;

Окопдаги ҳарбий хизматчи устидан танқда ўтиш ва десант сифатида танк устидага ҳаракатланиш;

Кия ва хавфли манфий бурчакли қояларга тирмасиб чиқиши.

Ўқув жараёнларига турли қийинчиликлар ва хавфли вазиятларни киритиш аниқ жанг (жанговар ҳаракатлар) турига нисбатан амалга оширилади ва шахсий таркибининг тажриба ҳамда қўрқувни енгиш бўйича ҳиссий-иродавий қўнималарини орттирганлик даражасига мувофиқ ошириб борилади.

Руҳий тайёргарлик вазифаларини бажариш ва қўшинларни ўргатиш амалиётига хавф-хатар ва таҳликали элементларни фаол киритилиши ҳарбий хизматчилар томонидан қўлланмалар, йўриқномалар ҳамда қўшин турлари бошқарув ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик қоидаларини аниқ билиши ва риоя этилиши талаб этилади.

Машғулот раҳбарлари машғулотларга тайёргарлик кўриш давомида киритиладиган хавф-хатар ва таҳликали элементларнинг сони ва характеристини белгилашлари, баҳтсиз ходисаларни олдини олишга бўйича чораларни кўришга мажбурдирлар. Ушбу максадда машғулотлардан олдин режалаштириладиган тадбирлар ва қўлланиладиган имитация воситаларини кўпроқ малакага эга ва яхши тайёrlанган ҳарбий хизматчиларни жалб қилган ҳолда текширилиши, шунингдек, воситачи ва имитация учун жавобгар 22 шахсларга батафсил йўриқнома берилishi, эвакуация хизмати ташкил этилиши лозим. Кундалик жанговар тайёргарлик жараёнida шахсий таркибининг руҳий тайёргарлиги ҳар бир машғулотда ҳарбий хизматчиларни маълум бир руҳий чиниктириш элементларини ўрганиб чиқиши билан амалга оширилади.

Жанговар тайёргарлик жараёнida ҳарбий хизматчи билиши ва имкон даражасида унинг организмига ва руҳиятига таъсир этувчи жанговар вазиятга (шароитга) хос барча спектрларни ҳис этиши лозим (кўриш, эшитиш, хид билиш, сезиш, таъм сезгиси, ва.х.к.), уларга тўғри жавоб қайтаришга ва мазкур шароитларда фаол ҳаракат қилишни ўрганиб олиши лозим. Асосий эътиборни ҳар қандай кутилмаганлик (тасодиф) ҳолати ҳарбий хизматчи учун оддий ҳолдек бўлиши, ҳар қандай кутилмаганликлар қоида ва қонунийлик, вазиятнинг тўсатдан ўзгариши эса – оддий ҳол даражасига етказишга қаратиш лозим. Жанговар тайёргарлик жараёнida жангчидаги муҳим руҳий сифатларни шакллантириш усувлари турличадир. Бу асосан офицерларнинг услубий маҳоратлари ва қўшинлардаги ўқув-моддий базанинг ҳолатига боғлик. Машғулотларда ва ўқувларда кескинлик, тўсатданлик, хавф-хатар ва таҳлика вазиятларини яратиш асосий

мақсад әмас. Балки жангчининг вазиятга муносабат билдириш қобилятини ошириш орқали унинг юқори руҳий юкламалар шароитида фаол ҳаракатланиш ва шу билан бирга қийинчилик ҳамда салбий руҳий ҳолатни енгидаги иродавий ҳаракатлар бўйича зарурий тажрибаларни орттиради, унда дадиллик, барқарорлик, қатъиятлилик, ботирлик каби иродавий сифатларни шакллантиради.

Руҳий тайёргарлик ҳарбий хизматчиларнинг командир раҳбарлигида ҳамда жанговар тайёргарлик ва тарбиявий ва мағкуравий ишлар органлари билан ҳамкорликдаамалга оширилади, шунинг учун ҳам ҳарбий хизматчиларни **руҳий тайёrlаши шакллари алоҳида әмас, балки, жанговар тайёргарлик машғулотларида ахлоқий-руҳий тайёргарлик шакллари билан параллелдир.**

Самарали руҳий тайёргарлик ҳарбий хизматчиларнинг жанговар фаолияти самарадорлигининг муҳим шарти бўлиб, жанговар ҳаракатларни олиб бориш давомида ва якунода руҳий турғунликни кафолатлайди. Юқорида қайд этилган руҳий тайёргарлик усулларининг асосий қисми жанговар тайёргарлик раҳбарий хужжатларида қайд этилган, лекин қўйи поғонадаги соҳага масъул мансабдор шахслар томонидан мазкур раҳбарий хужжатлар талабларини бажаришда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Куролли Кучлар тинчлик даврида урушга тайёrlаниши ва шунинг натижасида юртда осойишталик таъминланиши хақиқат. Мазкур ибора асрлар давомида ўз тасдиfinи топиб келмоқда.

Демак, **ахлоқий-руҳий тайёргарлик** – ижтимоий мавқеидан қатъий назар ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила-аъзоларини, ҳарбий жамоаларни, қўшин турларини ва армияни юксак ахлоқий-руҳий сифатларини яратишга ва мустаҳкамлашга қаратилган, қўмондонлар, командирлар (бошликлар) томонидан қонунларга, жанговар низомларга таянган ҳолда ва ижодий ёндашилиб ташкиллаштириладиган ва ўтказиладиган тадбирлар мажмуи<sup>18</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, барча давр ва замонларда ахлоқий-руҳий тайёргарлик армиянинг жанговар руҳини кўтариш, ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик, ботирлик, чидамлилик, ҳалоллик, виждонлилик каби сифатларни ҳосил қилишнинг муҳим воситаси бўлиб келган.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон армиясидаги ахлоқий-руҳий тайёргарликни замон билан ҳамнафас равишда такомиллаштириб бориш йўлида, аввало, тадқиқ қилинаётган соҳадаги мавжуд вазиятни синчилаб ўрганиб чиқиши лозим бўлади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 10.01.2018 й. 03/18/458/0537-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги 436-II-сон Конуни. // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 19.04.2018 й. 03/18/476/1087сон. 24.07.2018 й. 03/18/486/1559-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3898-сон қарори. // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 08.08.2018 й. 07/18/3898/1622-сон.
4. Ўзбекистон Республикаи Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2017 й. 6-сон. 70-модда.
5. А.Суворов Наука Побеждать. [http://www.100bestbooks.ru/files/Suvorov\\_Nauka\\_pobezhdat.pdf](http://www.100bestbooks.ru/files/Suvorov_Nauka_pobezhdat.pdf).

6. А. Свечин. Эволюция военного искусства. [http://militera.lib.ru/science/svechin\\_2a/index.html](http://militera.lib.ru/science/svechin_2a/index.html).
7. Уолкер. Чингиз-хан. Ростов-на-Дону: 1998. 210 с. <https://rutracker.org/forum/viewtopic.php?t=933199>.
8. Ж. Раҳимов. Амир Темур. Адолат ва қудрат тимсоли. Илмий-тариҳий китоб. Т.: 2017. Б. 24-98.,
9. Темур тузуклари. [www.Temur tuzuklari.uz](http://www.Temur tuzuklari.uz).
10. Уралов Х.Б., Ашурев Ш.С. “Ахлоқий-рухий тайёргарликнинг умумий тавсифи”. Мақола. Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти “INNOVATION NECHNOSYSTEMS” илмий техник журнали 1(5)-сон декабр 2021 йил. 136-142 бет.
11. Уралов Х.Б., Ашурев Ш.С. “Айрим илғор хорижий армияларда ахлоқий-рухий тайёргарликка бўлган ёндашувлар”. Мақола. Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти “INNOVATION NECHNOSYSTEMS” илмий техник журнали 1(5)-сон декабр 2021 йил. 143-150 бет.
12. Transfer equation for the strain rate tensor and description of an incompressible dispersed mixture (incompressible fluid) by a system of equations of dynamic type Yuldashev, A., Abdisamatov, O., Abdullaev, B., Dustova, S. E3S Web of Conferences, 2021, 264, 03025
13. Modeling of heat exchange processes in the Metanetka bioenergy plant for individual use Sharipov, L.A., Imomov, S.J., Majitov, J.A., ...Pulatova, F., Abdisamatov, O.S. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, 2020, 614(1), 012035
14. Numerical solution of nonlinear integro-differential equations Shodmonova, G., Islomov, U., Abdisamatov, O., ...Kholiyorov, U., Khamraeva, S. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 2020, 896(1), 012117
15. Optimization of agricultural lands in land equipment projects Khamidov, F.R., Imomov, S.J., Abdisamatov, O.S., ...Ibragimova, G.Kh., Kurbonova, K.I. Journal of Critical Reviews, 2020, 7(11), pp. 1021–1023